

БИРИНЧИ ҚИСМ

Молхона олдидаги кенг майдон. Ҳар жой-ҳар жойда беда, дагал хашак гарами, ўртада катта ҳовуз. Сув бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб турибди. Дарвоза олдида 50-60 та стуллар қатор қўйилган. Халат кийган ёшу қари эркаклар, аёллар аралаш ўтиришибди. Баҳром елкасида видеокамера, уларни жойлаштириш билан банд.

БАҲРОМ: — Такрор айтаман, ҳурматли тағоблилар, меҳнаткаш ҳамқишлоқларим, омадларинг келиб фермамиз мудир, менинг қаттиққўл опам Республика танловига қатнашиб, иккинчи ўринни олиб, «Тико» машинасини миниб келмоқда. Демак, ҳозир бу ерда митинг бўлади. «Ёшлик» студияси топшириғига биноан митингни мен тасвирга тушираман. Тушунараими? Олдин озгина машқ қилиб оламиз.

ОВОЗ: — Тезроқ бошласанг-чи, Ҳадичанинг маҳмадона ўғли.

МОЛБОҚАР ЙИГИТЧА: — Бузоқчага ўхшаб мунча маърадинг.

БАҲРОМ: — Ўнбоши бобо, сиз орқага ўтинг, бу ерда фақат аёллар ўтирсин.

ЎНБОШИ: — Мен мажлисларда ҳамиша биринчи қаторда ўтирганман.

ОВОЗ: — Ўтираверсин, қирқта макиёнга битта хўроз ҳам керак-да.

ОВОЗ: — Ўнбоши бобонинг хўрозлиги қолибдими, макиённи кўрса қанотини ҳурпайтириб қочади-ю.

ЎНБОШИ: — Раис, қаердасан, ёнингга борақолай. Энди бизнинг биринчи қаторда ўтирадиган замонимиз ўтибди. Ҳа, мана сен ҳам раисликдан тушганингдан буён ўзингни панага оладиган бўлиб қолибсан.

БАҲРОМ: — Шундай қилиб, азиз тағоблилар, Хуршида баҳонасида сизлар ҳам бир телевизорга чиқадиган бўдиларинг. Тасвир чиройли чиқса, «Ёшлик» студияси, албатта, икки марта кўрсатади. Биласизлар, ҳозир телевизор дастури «Спутник»ка уланган. Демак, Қатрон тоғ этакларидаги мана шу дўтпидеккина Тағоб қишлоғидаги қаҳрамонни кутиш воқеасини бутун дунё кўради. Бу ёғи Тожикистон, бу ёғи Қирғизистон, бу ёғи Голландия...

ОВОЗ: — Ҳой, емчи ука! Анави куни Сарвинисонинг тўйида тасвирга олганингда нуқул мени тескари турганимни олибсан. Агар бутун ҳам шундай қиладиган бўлсанг, елкангдаги қутичани синдираман, билиб қўй.

БАҲРОМ: — Йўқ, опагон. Бутун бошқачароқсиз, қошда ўсма, кўзда сурма, қўллар хинодан лоларанг, қулоқдаги олтин сирғалар ял-ял ёнаятти. Шундай чиройли туширайки, тағобли сут соғувчи опалар қандай гўзаллигини бутун дунё кўриб қўйсин.

*Гўзалликда тенги йўқ тағобимнинг қизлари,
Атиргулнинг ўзидир юзлари қирмизлари.
Боқиллари ўзгача, сирлидир нигоҳлари,
Ҳар кишини ром қилар чарақлаган кўзлари.*

...Яхши, яхши, ана шундай ўтирганларингда мукофотга олинган «Тико»ни ўзи ҳайдаб, ёнида ҳоким муовини билан Хуршида опам кириб келади. Йўқ, мана бу томондан киргани яхши. Ҳамма ўрнидан туриб қарсақ чалиб юборади. Ярминг «Тико»ни, ярминг Хуршида опамни қуршаб оласизлар. Ўпасизлар, қучоқлайсизлар, бир-иккита кекса аёл ҳоким муовинини ҳам ўпиб қўяди. Иноят ая, сиз қизингизни ўпа туриб, йиғлаб юборасиз. Кел қизим, ҳурматли Президентимиз ўлган муборак пешонангдан онагинанг ҳам ўпсин, дейсиз-да, яна йиғлайсиз. Ана шу ҳолатни мен йирик планда тасвирга оламан...

ШОКАЛОН: — Мен қишлоқ фермерлар ва тадбир-корлар уюшмасининг бош маслаҳатчисиман.

ЎНБОШИ: — Лекин сизни ҳеч ким сайлаган эмас-ку, ўртоқ?

ШОКАЛОН: — Мен шу колхозда ўн тўрт йил раис бўлганман.

ЎНБОШИ: — То қўлингдан етаклаб, кўчага олиб чиқиб қўймагуналарича раислик қилмоқчи эдинг.

ШОКАЛОН: — Хуршида қизимнинг фермасини мен ташкил қилиб берганман.

ЎНБОШИ: — Ў, раис, ҳадеб мен, мен деяверма, Хуршиданинг мархум отаси билан аяси Иноят қизимизга ферма очамиз, деганда бутун-эрта деб икки йил судрагансан. Қисир сигирга ўжшаб кавуш қайтариб туравергансан.

ШОКАЛОН: — Хў, Ўнбоши сенам оч қолган буқага ўжшаб ҳадеб бақираверма. Ўн тўрт сигирни бузоғи билан сувтекинга берган мен эдим.

ЎНБОШИ: — Кейинчалик бузоқнинг бештаси меники деб даъво ҳам қилгансан.

ШОКАЛОН (*бақариб*): — Бас қил, ҳозир митингдан чиқариб юбораман.

ЎНБОШИ (*хулиб*): — Мажлисдан чиқариб юбориш сенинг эски одатинг-ку.

БАҲРОМ: — Амакилар, сизларнинг бу тортишувларингни тасвирга тушириб бўлмайди.

*Тағобимнинг кекса отахонлари,
Ёшларнинг эътиқоди, имонлари,
Орзулари амалга ошмай қолган,
Қалби тўла беҳисоб пушаймонлари.*

ХАБАРХОН: — Эсимни танибманки, бу иккови ҳўроз бўлиб бир-бирини чўқийди, буқа бўлиб бир-бирини сузади.

МЎМИНАХОН: — Тўғри, чўқишади-ю лекин қон чиқаришмайди.

ХАБАРХОН: — Икковиям Хуршидани келин қиламан, деб ўғилларини уйлантирмай юрибди.

МЎМИНАХОН: — Сен ўлгур ҳамма нарсани биласан-а!

ХАБАРХОН: — Нима қилай, ўртоқжон, шунақа касалим бор. Ҳамма нарсани ҳаммадан олдин билгим келаверади.

БАҲРОМ: — Ҳў, сой маҳаллалик опагонлар, гапни бас қилинглар, тасвирга тушираётганимда ҳам мана шунақа пичир-пичир қилиб турсаларинг ишим расво бўлади. Кейин буюртма бермай қўйишади.

ХАБАРХОН: — Овозимизни чиқарганимиз йўқ-ку.

БАҲРОМ: — Манзура опа, сиз...

ЎНБОШИ: — Ҳой болам, мен гапимни тутатганим йўқ. Сен мендан Хуршида қизимиз бу обрўни қандай топди, деб сўрашинг керак эди.

БАҲРОМ: — Ҳа майли, айта қолинг.

ЎНБОШИ: — Хуршида ўзи ёш бўлсаям бошида тўртта донишманд чолнинг ақли бор. Ўзиям молхонада туғилган. Иноятбону, мана шуларни гапирсанг-чи.

ИНОЯТ: — Қўйсангиз-чи бунақа гапларни.

БАҲРОМ: — Раҳмат амаки, отахонда ақл кўп, ҳам мақолу нақл кўп. Манзура опа, яхшиси, гапнинг ўғил боласини ўзингиз айтасиз. Сўз илғор соғувчи Манзура опамга дейишим билан пайсалга солмай, пахсага лой босгандек лўнда-лўнда гапирасиз, мени қаймоқларга тўйдирадиган опажоним.

Қаймоқ берсанг товоқда бер,

Катта коса лапоқда бер.

Ҳам қишдаю ҳам ёзда,

Иссиқдаю совуқда бер.

Қани бошланг, опажон.

МАНЗУРАХОН: — Вой тавба, ҳозиргина ўйлаб турувдим. Ҳаммаси эсимдан чиқиб қолди-я... Ҳозир, ҳой

емчи ука, нега энди пахсага лой босгандек гапираман? Қоғозга ўралган қанддек ширин-ширин гапирсам бўлмайдими?..

Коллежни битираётган кечамиз тўрт йигит, тўрт қиз директоримиз олдида фермер бўламиз, Катта Тағоб қишлоғини гул-гул яшнатамиз, ниятимизга етмагунча эрга ҳам тегмаймиз, уйланмаймиз ҳам деб қасамёд қилганмиз. Тўғрими, Маҳфират?

МАҲФИРАТХОН: — Гап навбати кеб қолди. Энди тонг отгунча гапирасан.

МАНЗУРАХОН: — Мен аллақачон эрга тегиб, иккита бола туғиб олганман.

МАҲФИРАТХОН: — Сен ҳеч қачон сўзингда турмас эдинг.

МАНЗУРАХОН: — Мана, Бексултон ғишт заводини бошқаряпти. Ўрнингдан тур, одамлар чиройли қоматингни бир кўрсин.

БЕКСУЛТОН: (*ўрнидан туриб*): — Нима тағоблилар илгари мени кўрмабдими?

МАНЗУРАХОН: — Бугун қора кўзларинг бошқачароқ чарақлаяпти. Мана, Шоумар, сен ҳам ўрнингдан бир тур. Уч гектар ўрикзорим бор деб бир мақтансангчи, мана бу менга гап бермаётган Маҳфиратхоним бўлсалар, тикувчилик цежи очганлар. Фойда кўрмаяпман деб йиғлагани-йиғлаган.

МАҲФИРАТХОН: — Ҳой ўртоқ, мен қачон йиғлабман?

МАНЗУРАХОН: — Менга йиғламаган бўлсанг ҳам буюртмачилар борса уним йўқ, буним йўқ деб роса дийдиё қилармишсан-ку... Қасам ичган Фозилжон бўлса ҳозир бозорда қош қалам сотиб юрибди...

Хуршида ўзи бошқачароқ чиқди, ралати эди у... Ўзи молхонада ишласаям доим француз атирини сепиб юрарди. Германияда ўқиб келди-ю...

ИСМОИЛ: — Германия эмас, саводсиз, Голландия...

МАНЗУРАХОН: — Ишқилиб, ўша ёқда ўқиб келдида.

ИСМОИЛ: — Ҷқиган эмас, фермада тажриба ўрниб келди.

МАНЗУРАХОН: — Ҷша ёқдан олиб келган 12 та бузоқчаси сабаб бўлдими...

ИСМОИЛ: — Манзура, сен гапнинг ўзагини топа олмайсан. Хуршида фермани олгунга қадар ем ўғирлардик, ташқарига хашак сотардик, сутга сув қўшардик.

БАҲРОМ: — Бунақа бемаза гапларни тасвирга бериб бўлмайди.

ИСМОИЛ: — Жим ўтир, рост гапни ҳамма жойдаям яқши кўришади. Голландиядан ўрганиб келиб, маошимизни икки баробарга кўпайтирди. Мана энди ўн саккиз соатлаб молнинг тагидан чиқмаймиз. Буни прогресс дейдилар, саводсиз. Мана гапнинг ўзаги қаерда!

ОВОЗ: — Тўғри гапни айтаяпти.

ОВОЗ: — Аслидаям шундай бўлган.

ИСМОИЛ: — Хуршидахон Тошкентга кета туриб мукофот тегса, энг каттаси сизники деган, тўғрими?

ОВОЗ: — Бу гапни биз эшитганимиз йўқ. Ёлғон гапиряпсан.

ИСМОИЛ: — Қулоғимга шивирлаб айтган. Мана уч кундан буён эр-хотин ухламай Хуршидани дуо қилиб ётибмиз.

ХАБАРХОН (*Мўминахонга*): — уч кундан буён ухламаган бўлса, Ойсара энди саккизинчисини туғиб беради.

ИСМОИЛ: — Ҳой, Хабархон. Нега одамни масхара қилиб куляпсан?

ХАБАРХОН: — Хотинимнинг устига тўнимни ёпиб қўйсам ҳам бўйида бўлаверади, дегандингиз, ўшани эслаб кулдик.

ИСМОИЛ (*кулиб*): — Лекин билиб қўй, ўша тўннинг ичида ҳамиша ўзим бўлганман.

МАНЗУРАХОН: — Исмоил ака, менга навбат бера-сизми, йўқми?

ИСМОИЛ: — Молхонада демократия бўлиши керак. Озгина сен, озгина мен сўзлайман. Эрим бухгалтер деб мақтанаверма.

МАНЗУРАХОН: — Вой худойим-ей, қани мақтанганим?

ИСМОИЛ: — Отанг ҳам сенга ўхшаб эзма эди.

МАНЗУРАХОН: — Хўп, қисқа қилай бўлмаса. Шундай қилиб, Шоумар, Бексултон, Хуршида, Маҳфиратлар сўзларининг устидан чиқишди. Корхонаю фермалар очиб олишди. Лекин турмуш қуришмади. Пана-панада бир-бирига кўз қисишиб юришгандир. Худо хоҳласа, яқинда тўйлар ҳам бошланиб кетади.

ХАБАРХОН: — Бексултон ҳам, Шоумар ҳам Хуршидани ўлгудек севишади. Хуршида қай бирини севишини сен биласанми?

МЎМИНАХОН: — Сендек синчков дутонам билмаса, мен қаёқдан билай.

ХАБАРХОН: — Кўрасан, ҳали бу иккови роса қирпичоқ бўлишади.

БАҲРОМ:

— Ёшлик қудрат, шиддатдир,

Тез ўтгувчи фурсатдир.

Фурсат ғанимат экан,

Ушбу сўз сизга ибратдир.

....Умидахон, Хуршида опангиз ҳақида икки оғиз сўз айтсангиз яхши бўларди. Яқинда Голландияга кетаётган эмишсиз. Телетомошабинларга қандай тилаклар билдириб кетмоқчисиз?

УМИДА: — Қайтиб келганимдан кейин айтарман.

БАҲРОМ: — Бўлмаса, менинг дастурим мазмунли бўлиши учун битта ашула айтиб беринг.

УМИДА: — Йўқ, ашуланиям кейин айтаман.

БАҲРОМ: — Сўзламасанг, ашула айтмасанг, билиб қўй, бузоқларингга ем бермайман.

УМИДА: — Емингни ўзинг еявер, озиб кетгансан, қайтага мен келгунимча анча семириб қоласан.

ХАБАРХОН: — Бу икковиям ҳозир Тоҳир-Зухра бўлиб қолишган.

МЎМИНАХОН: — Сен ўлгурдан ҳеч ким қочиб кутула олмайди.

ХАБАРХОН: — Феълим ёмон-да, билмагунча қўймайман.

САБРИНИСО: — Ҳой, емчи болам, бунча эзмалик қилдинг, онанг тенги аёл ҳалидан буён қўл кўтариб турибман-у, менга қарамай, она сути оғзидан кетмаган қизалоқ билан гап сотишасан-а. Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, сигирнинг эмчаги билан бузоқчанинг чуқини бир-биридан ажратолмайди-ю, тўхтамай гап сотишади. Менга ҳам сўз бер, суратимни ҳам ол. Армиядаги ўғлим бир кўрсин. Кейин ўғлимга айтгинки, агар пенсияга чиқсам, Хуршидахон битта соғин сигирни бузоғи билан берадиган бўлди. Голландкасидан беради.

ИСМОИЛ: — Голландия зотли сигирлари хонадонда боқишга берилмайди.

САБРИНИСО: — Ҳеч кимга бермаса ҳам, менга беради. Ҳой, қаймоқхўр Исмоил, ўттиз йилдан буён говмишларнинг эмчагини тортқилайман-а. Ҳамма соққан сутларимни тўпласа, Отахонбойнинг ҳовузидақа ҳовуздан еттитаси тўларди-я. Ҳа, менам жа орқада қоладиганлардан эмасман. Уч марта санок комиссиясига аъзо бўлганман... Суратга туширсанг, бўй-бастим билан туширасан.

БАҲРОМ: — Хўп, холажон, бўй-бастингиз билан тушираман... Яқши, яқши, машқимиз чакки чиқмаяпти. Ҳам мазмунли, ҳам ҳаяжонли. Иноят ая, қаҳрамоннинг онаси сифатида сиз ҳам икки оғизгина ширин луқма қилсангиз бўларди.

ИНОЯТ: — Ўттиз йилдан буён гапирганим етар.

ЎНБОШИ: — Иноятбону, ҳалиги суратга тушадиган сигиринг бор эди-ку, ўшани бир гапириб бермайсанми?

ИНОЯТ: — Қўйсангиз-чи, эски гапларни.

ЎНБОШИ: — Баҳром болам, мен гапирсам майлими?

БАҲРОМ: — Майли, бир дақиқа вақт бераман.

ЎНБОШИ: — Бу гапга ўттиз йиллар бўлди-ёв, лекин ўзиям ажойиб говмиш эди-да. Кунига олти челақ сут берарди. Овозаси бутун республикага кетганди. Мухбир устига мухбир келиб нуқул суратга олишарди. Говмиш тек туриб берсин деб, ҳовучлаб оқ қанд беришарди. Сигир қурмагур ҳам қанд еб суратга тушишга шунақа ўрганиб қолдики, дарвоза орқасидан бегона одам кўринса, арқонини узиб ўша ёққа югуради. Қишлоққа янги келган ўрис муаллима елкасига сурат оладиганини осиб, молхона олдидан ўтиб қолган экан, говмиш арқонини узибди-ю, тумшугини олдинга чўзганча муаллиманинг орқасидан югурибди. Бечора муаллима бундай қараса, филдек бир махлуқ лапанглаб маъраганча орқасидан қувармиш... Муаллима мактабга етгунча иштонини ҳўл қилиб қўйган экан.

ХАБАРХОН: — Қўй, ўртоқжон, ўша мияси айниган чолнинг гапини.

МЎМИНАХОН: — Мияси айниган бўлсаям, Иноят аямизга кетма-кет совчи қўяётган эмишлар.

ХАБАРХОН: — Аямиздаям бир гап борга ўжшайди. Чолни кўрганда рангларига қизил югуриб, қўл-оёқлари қалтираб қолади.

БАҲРОМ: — Бексултон ака, сиз завод директори сифатида Хуршида опам ҳақида бирон гап айтгасизми?

БЕКСУЛТОН: — Мукофот муборак бўлсин деймиз-да.

БАҲРОМ: — Шуми?

БЕКСУЛТОН: — Ҳозирча шу.

БАҲРОМ: — Шоумар ака, бир нарса айтмоқчи бўлиб турибсиз.

ШОУМАР: — Хуршида ҳам, мана бу мақтанчоқ Бексултон ҳам дадам тусфайли одам бўлишган. Яхшиликни унутган одамни дадам ҳам, мен ҳам ёмон кўра-миз.

БЕКСУЛТОН: — Яна фиди-бидингни бошладингми?

ШОУМАР: — Энг аввал дадамнинг яхшилигини сен унутяпсан.

БЕКСУЛТОН: — Бас қил!

ШОУМАР: — Ўдағайлама. Сенинг кимлигингни телевизордагилар ҳам кўриб қўйсин.

ХАБАРХОН: — Вой, ана бошланди.

МЎМИНАХОН: — Нима бошланди?

ХАБАРХОН: — Бексултон билан Шоумарнинг довлариши бошланди. Кўрасан, бечора Хуршида икковининг ўртасида роса талаш бўлади.

МЎМИНАХОН: — Олишув қаттиқ бўлади, дейсанми?

ХАБАРХОН: — Иш пичоққа бориб етмаса бўлди.

МЎМИНАХОН: — Хуршидахон ақлли қиз, бунга йўл қўймас.

ХАБАРХОН: — Э, ўртоқ, муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, кўрасан, бу учови кўр, бир-бирини юзини роса юлишади.

БАҲРОМ: — Ҳов, опажонлар, нега иякни иякка қўйиб гапга тушиб кетдиларинг? Абдусамат ака, гапирмайсизми?

АБДУСАМАТ: — Аслида гапни мендан бошлашинг керак эди.

БАҲРОМ: — Сўз Хуршида опамнинг ҳамма ишлари бўйича ўринбосари, етти касб эгаси, етти боланинг отаси Абдусамат акамга дейишим билан мана бу ерга чиқиб, сал кулимсираброқ гап бошлайсиз. «Ёшлик» қовоғи солиқ одамларни ёқтирмайди. Вақтингиз бир дақиқа.

АБДУСАМАТ: — Бир дақиқага ферманинг фаолияти сифмайди.

БАҲРОМ: — Бир дақиқада нечта сўз айта оласиз?

АБДУСАМАТ: — Э, ким ўлчаб кўрибди дейсан?

БАҲРОМ: — Хуршида опамнинг асосий фазилати нимада?

АБДУСАМАТ: — Ишчанлик.

БАҲРОМ: — Яна.

АБДУСАМАТ: — Ташкилотчилик.

БАҲРОМ: — Яна.

АБДУСАМАТ: — Ташаббус бошлаганларни рағбат-лантириш.

БАҲРОМ: — Яна.

АБДУСАМАТ: — Янгиликка тўхтамай интилиш.

БАҲРОМ: — Яна.

АБДУСАМАТ: — Ҳамма гапни рост гапирсин дейди.

БАҲРОМ: — Яна.

АБДУСАМАТ: — Айтдим-ку, ёлфончини ёмон кўради, деб.

БАҲРОМ: — Абдусамат ака, қойил, энг мазмунли интервьюни сиздан олдим. Кейинчалик сизни «Ёшлик»ка мухбир қилиб олишса бўларкан (*Баҳромнинг чўнтагидаги уяли телефон жиринглайди, кўлига олади*). Опажоним мени яхши кўради. Кета туриб телефонини ҳам менга ташлаб кетган. Алло, ҳа-ҳа, менман. Ҳаммаси жойида. Тошкент билан гаплашдим. Тасвирга мен ўзим туширадиган бўлдим. Эрта-лаб аэропортга олиб чиқиб бераман... Нима, нима, бўлмаган гап! Абдусамат ака, мана сизни сўраяпти опам.

АБДУСАМАТ: — Муборак бўлсин! Йўғ-е, биз жуда яхши тайёргарлик кўряпмиз... Э, чакки бўлти-да. Ҳа майли, ҳукуматчилик (*Уяли телефон жим бўлади. Абдусамат одамларга қараб гапиради*). Режа ўзгарибди. Бутун вилоят фермерлари йиғилиб, митингни Олтиариқда ўтказишаркан. Ҳокимнинг ўзлари шахсан иштирок этарканлар.

ШОКАЛОН (*ўрнидан туриб*): — Нима дединг, Олтиариқда дейсанми? Қаҳрамонни биз тарбиялар эканмизу, митингни олтиариқдиклар ўтказарканми? Йўқ, бунақаси кетмайди.

АБДУСАМАТ: — Келин қилиб тушириб олиб кетаётганлари йўқ-ку, кечкурун қайтади-да.

БАҲРОМ: — Олтиариқликларнинг одати шунақа. Қардан номдор тадбиркор отилиб чиқса, дарров сотиб олишади.

ШОКАЛОН: — Митингда вилоят ҳокими шахсан бўлармикин?

АБДУСАМАТ: — Ҳа, ўзлари бошқарарканлар.

ШОКАЛОН: — Қани, менга бир бер-чи. Гаплашай-чи (*Ишдан аллақачон бўшаган раиснинг тўппа-тўғри ҳоким билан гаплашиши одамларни ҳайрон қолдирди*). Э, Саттор Шокирович, ассалому алайкум, бормисиз, омонмисиз, мен Шокалон раисман... Ҳа, ҳа, ана шунақа, овозимизни танимай қоласиз-да. Худого шукр, ҳаммаси жойида, келинойингиз ҳам, болаларимиз ҳам, ҳамма-ҳаммамиз дуоижонингизни қилиб юрибмиз. Туманга келганда мени сўроқлабсиз. Бошим осмонга етди (*Янаям баланд овоз билан*). Хуршидахонми, ҳа, ҳа, қўлимдан келганча эҳтиётлашман. Йўл-йўриқ беряшман. У ёқда сиз, бу ёқда биз, тепада Аллоҳ дегандек, хабардор бўлиб турамиз-да. Менга машина жўнатай деяпсизми, йўқ-йўқ, боргунимча кеч бўлади (*Одамларнинг ҳайрати ошади, собиқ раисга эътиборлари кучаяди*).

БАҲРОМ: — Мана шунақа, қишлоқ тасвирчиларига осон эмас, эсизгина, яхшигина мавзу қўлдан кетди-я, камида йигирма дақиқа беришарди-я, бизга қолгани нукул келин-куёвнинг никоҳи-ю қудаларнинг чарлари...

Молхонага кираверишдаги бузоқхона, уни маънавият хонаси деб ҳам аташади, стол атрофида ўн-ўн беш чоғли эркагу аёл. Тўрда Хуришда, онаси, икки синглиси билан ўтирибди. Хурсандчилик, танлов қандай ўтганлиги ҳақида суҳбатлашишмоқда.

ШОКАЛОН: — Йиғин Олтиариқ марказида бўлди-ми?

ХУРШИДА: — Йўқ, Янгиараб қишлоғида ўтди.

ШОКАЛОН: — Фермаси чинакамига зўр эканми?

ХУРШИДА: — Мақтаса арзигулик.

ШОКАЛОН: — Саттор Шокирович мениям таклиф қилди, кўп қистади, машина жўнатайми ҳам деди, хоҳламадим. Хуршидахон қизимга оталик қилиб туринг деди, ўргатинг, талаб қилинг, деди. Мана булар ҳаммаси эшитди. Ажойиб инсон-да.

ХУРШИДА (*бу гапларга чиппа-чин ишониб*): — Ҳа, у киши узоқни кўзлаб ишлайди-да.

ШОКАЛОН: — Энди тарқалайлик, Хуршида қизим ҳам чарчаган, даммини олсин. Ҳа, айтгандай, эртага митинг қиламизми?

ХУРШИДА: — Митинг бўлмасаям йиғилсак, янгиликларни сўзлаб берсам, Абдусамат ака бир новвос сўйсиналар. Семизроғи борми, ахир?

АБДУСАМАТ: — 300 килогача юки бор.

ХУРШИДА: — Яхши, қанча тухумингиз бор?

АБДУСАМАТ: — 3 кунлигини топширганим йўқ.

ХУРШИДА: — Эртага ош олдидан ҳар бирига 3 килодан гўшт, 30 тадан тухум ташкил қилинг. Исмоил ака, совриннинг энг каттаси сизга деган эдим, мана бу «Тико»нинг калити, эсон-омон ётиб турсак, эртага ош олдидан топшираман.

ИСМОИЛ: — Хуршида қизим, берадиган бўлсанг, калитни ҳозирок берақол. Болаларимни бир суюнтирай.

Хуршида Исмоилга калитни топширади.

ИСМОИЛ: — Бу қадоқ қўлларим буқанинг арқонияю новвоснинг шохидан бошқасини ушламаганди (*тўйсатдан йиғлаб юборади*).

ХУРШИДА: — Йиғламанг, амаки, худо хоҳласа, машинани эртага қозон бошида топшираман.

ИСМОИЛ: — Қизим, синглим, ахир мен...

ХУРШИДА: — Бўлди, бўлди, йиғламанг, қизиқ, Президентимиз қўлдан калитни ола туриб мен ҳам йиғлагандим (*кулади*). Энди калитни ола туриб сиз ҳам

йиғлаясиз. Нима бало, бу калитнинг сеҳри борми, дейман.

Акмалхон қори тиловат қилади. Ҳамма тарқалди.

* * *

ХУРШИДА: — Қани опагон, тез-тез айтинг, нима гаплар бор?

ХАБАРХОН: — Қишлоқдами ёки фермадами?

ХУРШИДА: — Икковидаям.

ХАБАРХОН: — Қишлоқда хунукроқ гап бор. Яхши-си айтмай қўя қолай.

ХУРШИДА: — Йўқ, айтасиз.

ХАБАРХОН: — Мени уришмайсизми?

ХУРШИДА: — Йўқ.

ХАБАРХОН: — Илгари раҳбарлар битта-яримта қизни яхши кўриб қолса, ясантириб, тез-тез мажлисларга олиб кетарди, вилоят ҳокими ҳам Хуршидахонни севиб қолганга ўхшайди. Нукул мажлисга чақиряпти, деган гаплар қанот боғлаб учиб юрибди.

ХУРШИДА (*газабдан қизариб*): — Сизнингча, бу гап кимдан чиқиши мумкин?

ХАБАРХОН: — Вой, бу гап албатта Маҳфират дуто-нангиздан чиқади-да.

ХУРШИДА: — Худо олсин ўша ичиқорани.

ХАБАРХОН: — Яна айтайми?

ХУРШИДА: — Тез-тез айтинг.

ХАБАРХОН: — Синглингиз Баҳром билан севишиб қолгани аниқ. Молхонада уч марта учрашишди.

ХУРШИДА: — Бори шуми?

ХАБАРХОН: — Йўқ, бунисини айтмайман, хунук, жудаям хунук.

ХУРШИДА: — Айтмаганингизга қўймайман ҳам.

ХАБАРХОН: — Сиз ишдан бўшатган кампирлар гап тарқатишяпти.

ХУРШИДА: — Нима деб гап тарқатишяпти?

ХАБАРХОН: — Сиз чет элда бўлганингизда бўйингизда бўлиб қолиб, бола олдирган эмишсиз.